

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ**  
**УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ**  
**МАРКАЗИ**

**“ГЕОФИЗИКАДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА**  
**ИНТЕРПРЕТАЦИЯЛАШ КОМПЛЕКСЛАРИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тузувчилар:     Д.Х.Атабаев**  
**Д.Д.Хусанбаев**

**Тошкент 2021**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

**ЎзМУ, Д.Х.Атабаев**

**Д.Д.Хусанбаев**

**Такризчи:**

**Катцухиро Накамуро,**  
ЎзМУнинг физика факультети  
ҳамда Осака шаҳар  
университетининг нафақадаги  
профессори (**Япония**).

**Ўқув-услубий мажмуа Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Кенгашида тавсия қилинган (2021 йил “24” августдаги 1-сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>3</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>123</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>212</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>424</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>457</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш.**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплекслари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” модулининг мақсад:**

**“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” модулининг вазифалари:**

- Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлаш ҳамда талқин қилиш асосларининг ривожланиш.
- Геофизик маълумотларни ЭҲМда қайта ишлаш ҳамда талқин қилишнинг мақсади, ахамияти ва муҳимлиги.
- Геофизикада дала ишларидан олинган катта ҳажмдаги маълумотлар базасини яратиш.
- Геофизик маълумотларни қайта ишлашнинг ва талқин қилишнинг замонавий комплексларидан фойдаланишни ўргатиш ва уларни

амалиётда қўллаш малакавий кўникмаларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” моулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Катта ҳажмдаги геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретациялашни;
- Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш комплексларни қўллашни;
- Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилишни;
- Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалашни;
- Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланишни;
- Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритишни;
- Қайта ишлашда статик ёндашувни;
- Илмий тадқиқот ишлар жараёнида ахборот коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланишни;
- Геофизик маълумотларни қайта ишлашда статистик ёндашув тўғрисида **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- Катта ҳажмдаги геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретациялаш;
- Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш комплексларни қўллаш;
- Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилиш;
- Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалаш;
- Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш;
- Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш;
- Илмий тадқиқот ишлар жараёнида ахборот коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш;
- Электроразведка маълумотларни қайта ишлаш натижасида “Zond” дастури ёрдамида якуний геоэлектрик кесим олиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- “Petrel” va “Micromine” дастурларида геофизик маълумотларини талқин қилиш;

- “Petrel” va “Micromine” дастурларида талқин қилинган геофизик маълумотлар асосида моделлаш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари” модули мазмуни ўқув режадаги “Нефть ва газни геофизик усуллар билан қидириш, разведка қилиш” ва “Қудуқлардаги геофизик ва геологик-технологик тадқиқотлар”, “Ер физикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулни олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш дастурларининг назарий асосларини ўрганиш, уларни амалда қўллаш каби касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Геофизикадаги замонавий қайта ишлаш ва талқин қилиш комплекслари”**

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоги**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		Ўқув ақил таълим
			а	м	

				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш	4	4	2	2	
2.	Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш	6	6	4	2	
3.	Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (махсус ишчи станциялар, махсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши.	2	2		2	
4.	Геофизик масалаларни ечишда замонавий компьютер дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш	4	4		4	
5.	Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш. Қайта ишлашда статик ёндашув.	4	4	4		
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-Мавзу: Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш.

Катта ҳажмдаги геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретациялаш. Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш комплексларни қўллаш. Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилиш.

### 2-Мавзу: Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш

Қудуклардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалаш. Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш

### 3-Мавзу: Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш. Қайта

## **ишлашда статик ёндашув.**

Геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш. Қайта ишлашнинг муҳимлиги. Қайта ишлашда статик ёндашув. Илмий тадқиқот ишлар жарёнида ахборот коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдланиш. Геофизик маълумотларни қайта ишлашда статистик ёндашуви.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-Амалий машғулот**

#### **Геологик-геофизик маълумотларни қабул қилиш ва интерпретациялаш.(2 соат)**

ҚГТ маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Геопоиск”, “Techlog”, “Ingew” ва “Solver” дастурларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

### **2-Амалий машғулот**

#### **Стационар компьютерлар асосида махсус қайта ишлаш комплексларини қўллаш. (2 соат)**

Сейсморазведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Гео вектор +” ва “Интеграл” дастурларини ўрнатиш ва сошлаш. Сейсморазведка маълумотларини юклаш, тузатмалар киритиш ва қайта ишлаш. Якуний сейсмогеологик кесимларни олиш.

### **3-Амалий машғулот**

#### **Фойдаланиладиган замонавий компьютер комплексларининг (махсус ишчи станциялар, махсус дастурий таъминот, ташқи қурилма) қўлланилиши.(2 соат)**

Электроразведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Zond” дастурини ўрнатиш ва сошлаш. Маълумотларини юклаш, тузатмалар киритиш ва қайта ишлаш. Якуний геоэлектрик кесимларни қуриш. Георадар маълумотларини “PulsECSopro” дастурида қайта ишлаш.



#### **4-Амалий машғулот**

### **Геофизик масалаларни ечишда замонавий компьютер дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш. (4 соат)**

Гравиразведка ва магниторазведка маълумотларини қайта ишлашда геофизик ахборотлар базасига ахборотларни киритиш, қайта ишлашда статик ёндашув. “Zond” ва “Oasis montage” дастурларини ўрнатиш ва созлаш. Маълумотларни дастурлар ёрдамида қайта ишлаш геозичлик ва геомагнит моделларни куриш асослари.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг

ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



#### **“Брифинг” методи.**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: ГЕОЛОГИК-ГЕОФИЗИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ИНТЕРПРЕТАЦИЯЛАШ.

##### *РЕЖА:*

1. Катта ҳажмдаги геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретациялаш.
2. Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш комплексларни қўллаш.
3. Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилиш.

**Таянч иборалар:** геофизик маълумотларни қайта ишлаш, интерпретациялаш, электроразведка, гравиразведка, магниторазведка

1. Катта ҳажмдаги геофизик маълумотларни қайта ишлаш ва интерпретациялаш.

Геофизик ишлари иккита асосий босқичларга бўлинади: 1) дала тадқиқотларни ўтказиш (маълумотларни ечиш); 2) олинган далилларни сифат ва миқдор жиҳатдан талқин қилиш. Сифат жиҳатдан талқин қилишида ўрганилаётган объектнинг умуман жойлашиши аниқланади; миқдорлида эса геологик жисмларнинг ўлчамлари ва геометрик ҳолати ва уларнинг физик хоссалар таснифи аниқланади. Миқдорли талқин қилишни махсус палеткалар усуллари ва турли дастурлар бўйича ишлайдиган ЭҲМ ёрдамида ўтказилади. Сифат жиҳатдан талқин қилиш ўрганилаётган объект бўйича планда ва тикликда умумий тасаввурни берадиган турли самарали параметрларни ишлатишга асосланган. Сифат жиҳатдан талқин қилиш жараёнида топографик асосида турли параметрларнинг графиклари, кесимлари ва тақсимланиш хариталари курилади. Улар маълумотларни тартибга солишга, аномалия ҳосил этувчи жисмларнинг ҳолатини аниқлашга ва геофизик шароитини тўлиқ баҳолашга имкон беради. Маълумотларни миқдорли талқин қилиш – бу биринчи навбатда геофизик усулларнинг тўғри ва тескари масалаларни ечишдир. Тўғри масалада берилган геологик муҳитнинг физик-геологик моделига майдонлар манбалари аниқ бўлган ҳолатига физик майдонлар шахслари ҳисоблаб топилади. Бунда ҳақиқий геологик тузилмалар ва жисмлар оддий моделлар билан аппроксимацияланади (алмаштирилади). Танлаб олинган моделлар юқори даражада геологик шароитларга мос келиши лозим. Тўғри масалани жуда аниқ ечими фақат чегараланган моделлар тўпламига ишлаб чиқариш

мумкин. Бир қатор ўзига хос моделлар-эталонларга олдиндан ҳисоботлар ўтказилган, улар бўйича назарий эгри чизиқлар ва номограммалар тўпламлари тузилган. Тескари масалада далада кузатилган ва аниқланган физик майдон элементларининг тақсимланиши бўйича геологик муҳитнинг модели тикланади. Бунда талқин қилиш кузатилган физик майдон элементларининг графиклари тўғри масалада ҳисобланган (моделлар-эталонларга) назарий чизиқлари (палеткалар) билан солиштириш йўли ёрдамида ўтказилади.

Талқин қилиш мақсадида махсус дастурлар асосида ЭҲМ ишлатилиши тўғри ва тескари масалани бир вақтда ечишга ва натижаларни солиштиришга имкон яратади ҳамда талқин қилиш жараёнини қисқартиради. Талқин қилишнинг сўнги босқичида микдорли ва сифатли талқин қилишнинг натижаларига ва бошқа тадқиқотлар турларидаги маълумотларига асосланиб ажратилган объектларга геологик маъно берилади, яъни натижалар геологик изоҳланади.

## **2. Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш компелексларни қўллаш**

Нефт ва газ конларини қидириш, қидириш ва мониторинг қилишда қўлланиладиган асосий геофизик усуллар қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари (ҚГТ), ер юзасида (2Д ва 3Д) ва қудуқларда (ВСП) вертикал сейсмик қидирув ишларидир. Қудуқларни рўйхатга олиш усуллари чуқурликда юқори аниқликка эга, аммо улар қудуқ яқинидаги энг яқин худудни ўрганадилар. Ер юзасида сейсмик тадқиқотлар катта объектларнинг изчил тасвирини олиш қобилиятига эга, аммо юқори тафсилотларни ҳал қилиш учун жуда юқори аниқликка эга эмас.

ВСП ўрганишда ер усти сейсмик тадқиқотлар билан солиштирганда кўпроқ батафсил маълумот беради, лекин қудуқдан чекланган масофаларда. Нефт ва газни қазиб олиш учун бурғулаш жараёнида кўпинча қудуқдан 1,5 - 2 км гача бўлган масофадаги махсулдор қатламларни батафсил ўрганиш зарурати туғилади, бу эса ВСП тадқиқотлари учун еришиб бўлмайди. Чуқур қудуқнинг мавжудлиги, агар биз бир вақтнинг ўзида ер юзасида ва қудуқда кузатувлардан фойдалансак, яъни сейсмик қидирув ва ВСП афзалликларини бирлаштирсак, ушбу қудуқ яқинида 2Д ёки 3Д сейсмик тадқиқотларнинг аниқлиги ва батафсиллигини сезиларли даражада ошириши мумкин.

2Д сейсморазведкада ёки 3Д ишларида ер қўзғалишлар чуқур қудуқ тубига яқин жойлашган ВСП зонд томонидан қайд этиладиган қўшма кузатишлар техникаси "Маҳаллий лойиҳа 2Д + ВСП" ("Маҳаллий лойиҳа 3Д") деб номланади. + ВСП", мос равишда). Аслида, таклиф этилаётган технология уч ўлчовли кузатиш тизимларига асосланган.

3Д ўлчамли сейсмик маълумотлар нефт ва газ саноатида ер ости қатламини тушуниш учун ишлатиладиган асосий воситага айланди. Зўр структуравий тасвирларни тақдим этишдан ташқари, 3Д ўлчовли тадқиқотнинг зич намуналари баъзан резервуар сифати ва нефт ва газнинг тақсимланишини хариталаш имконини беради. Ушбу китобнинг мақсади

техникада янги бўлган геофизиклар ва геологларга 3Д ўлчамли маълумотларни шарҳлашда умумий тузоқлардан қочишга ёрдам беришдир.

### 3. Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилиш.

Талқин қилиш сифатли ва миқдорий бўлади. Сифатлида  $\rho_k$  эгри чизиклардаги геоэлектрик горизонталар белгиланади ва геологик қатламлар билан боғланади. Сифатли талқин қилишда ўрганилган майдоннинг геоэлектрик кесими, таянч горизонтларини жойлашиш ҳолати (ўрганган майдон бўйича қалинлиги катта ва етилган, қаршилиги катта ёки кичик бўлган геоэлектрик горизонтлар) бўйича тасаввур қилиш мумкин. Бунда туюлувчи қаршилиқлар кесими (ёки  $\rho_k$  кесими), ВЭЗ эгри чизиклар S ва T хариталари тузилади. Туюлувчи қаршилиқлар кесимини тузиш учун профилдаги кузатув нуқталари тагида вертикал ўқи бўйича логарифмик масштабда (модули 6,25 см) ишлатилган  $AB/2$  масофаларга тенг бўлган нуқталар белгиланади ва  $\rho_k$  нинг қийматлари ёзилгандан сўнг, изоом бу солиштирма қаршилиқлари тенг бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиклар ўтказилади. Бу кесимда солиштирма қаршилиқлар ўзгариши бўйича жинсларнинг литологик – фациал ўзгариш тавсифи ўрганилади. Қурилган изоом кесимида, таҳлил қилиш натижасида, қаршилиги кичик ва катта бўлган электр горизонтлар белгиланади, уларни профил бўйлаб ётиш ҳолатини ўзгариши ўрганилади, мавжуд бўлган тектоник бузилмалар ажратилади.

Миқдорий талқин қилишда ҳар бир ВЭЗ эгри чизиклари бўйича  $\rho_1, \rho_2, \dots, \rho_n$  катламларнинг қаршилиқлари ва  $h_1, h_2, \dots, h_{n-1}$  қалинликлари аниқланади.

Тоғ жинслари ва маъданларининг зичликлари горизонтал йўналиши бўйича ўзгарса ҳамда геологик тузилмалар ва маъданларнинг зичлик чегаралари горизонтал бўлмаса, гравитацион аномалиялар ҳосил бўлади. Кузатилган гравитацион аномалиялар Ернинг геологик тузилишини тасвирлайди. Гравиразведка ишларини ўтказиш ва аномалияни тўғри талқин қилиш учун аввало тоғ жинслари ва маъданларининг зичлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни геологик кесимда ўзгаришини ўрганиш зарур. Ундан ташқари, аномалияларни кўзгатувчи жинсларнинг тахминан бўлса ҳам шаклини, ўлчамларини ва ётиш чуқурлигини баҳолаш керак. Талқин қилиш сифатли ва миқдорли турларга бўлинади.

**Сифатли** талқин қилишда кузатилган аномалиянинг кескинлиги, шакли, йўналиши, табиати аниқланади, худудий ва маҳаллий аномалияларга ажратилади, кўзгатувчи жисмнинг шакли, ётиш чуқурлиги, хусусиятлари тахминан баҳоланади.

**Миқдорли** талқин қилишда аномалияни кўзгатувчи жисмларнинг ётиш чуқурлиги, ўлчамлари, хусусиятлари математик формулалар, маҳсус

палеткалар ёрдамида ёки кузатилган аномалия ва танлаб олинган физик-геологик моделга ҳисобланган назарий аномалияни солиштириш усули билан аниқланади. Оғирлик кучи аномалиясини миқдорли талқин қилиш гравиразведканинг тўғри ва тескари масалаларини ечиш асосида ўтказилади. Тўғри масалада – шакли, ўлчамлари, ётиш чуқурлиги, зичлиги аниқ бўлган жисмларга назарий оғирлик кучи аномалияси ( $\Delta g, W_{xz}$ ) ҳисобланади. Тўғри масала аниқ ечимга эга.

Тескари масалада далада ўлчанган оғирлик кучи аномалияси ( $\Delta g, ёки W_{xz}$ ) бўйича аномалия ҳосил қилувчи жисмнинг ётиш чуқурлиги, ўлчамлари, зичлиги аниқланади. Тескари масала кўп ечимга эга.

Кузатилган гравитацион аномалияни миқдорли талқин қилишда аномалия кўзғатувчи объектни шакллари оддий бўлган геометрик жисмлар тўплами билан аппроксимация (алмаштириш) қилинади ва уларнинг ҳар биттаси ҳосил қилган аномалияларнинг тўплами кузатилган аномалияга тенг деб ҳисобланади. Гравиразведка назариясида шакллари оддий геометрик жисмлар учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш усуллари қараб чиқилган.

Магнит майдонлар аномалияларини миқдорий талқин қилиш магниторазведканинг тўғри ва тескари масалаларини ечиш асосида ўтказилади.

Тўғри масала – ўлчамлари, шакли, ётиш чуқурлиги, магнит хоссалари маълум бўлган жинс учун Ер юзасидаги магнит майдон аномалиясининг элементлари ҳисобланади. Бунда атрофдаги муҳитни магнитсиз, яъни  $\alpha=0$  ва  $\mu=0$  деб ҳисобланади. Тўғри масаланинг ечими бир жавоблидир.

Тескари масала – Ер юзасида аниқ бўлган (далада ўлчанган) магнит майдон элементлари қийматларини тақсимланиши бўйича жинснинг ўлчамлари, шакли, ётиш чуқурлиги ҳисобланади. Тескари масаланинг ечими кўп жавобли. Ечимни бир жавоблига яқинлаштириш учун геологик объектнинг табиати бўйича қўшимча маълумотлар ишлатилиши керак.

Тўғри масалани ечилишини оддий геометрик жинслар учун қараб чиқамиз.

### Назорат саволлари:

1. Катта ҳажмдаги геофизик маълумотлар қандай қайта ишланади?
2. Катта ҳажмдаги геофизик маълумотлар қандай интерпретацияланади?
3. Сейсморазведка 2Д ва 3Д маълумотларни SERSEL махсус қайта ишлаш компелексларни қўллаш кетма-кетлигини айтиб беринг
4. Электроразведка, гравиразведка ва магниторазведка маълумотларни геологик талқин қилинг.

### Фойдаланилган адабиётлар:



1. William Lowrie. Fundamentals of physics. Second edition. Cambridge University Press 2007. 381pp.

2. Хайн В.Е. Основные проблемы современной геологии.—М.: Научный мир, 2003. —348 с.

3. Statistical Methods of Geophysical Data Processing \ by Kiselev Yurii, Yurii Kiselev. Cambridge University Press, Англия, 2011

## 2-МАВЗУ: СТАЦИОНАР КОМПЬЮТЕРЛАР АСОСИДА МАХСУС ҚАЙТА ИШЛАШ КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.

### *РЕЖА:*

1. Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалаш.
2. Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш

**Таянч иборалар:** литология қайта ишлаш, стратиграфик қайта ишлаш, геофизик маълумотларни қайта ишлаш, интерпретациялаш,

1. Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалаш

Мутахассис билимларини барча жамоа аъзолари учун вазифани умумий тушунишга айлантириш ва кўп функцияли жамоанинг самарадорлигини ошириш. Петрелнинг сейсмик-ишлаб чиқариш дастури фойдаланувчиларга геофизика, геология ва конларни ўзлаштиришни ягона иш оқимида бирлаштирган ва реал вақт режимида резервуар тавсифига йўл очадиган интеграциялашган ҳамкорликдаги иш оқимларини таклиф этади.

Ягона иш жараёнларини яратиш. Геофизика, геология ва конларни ўзлаштиришнинг ягона модел доирасида интеграцияси лойиҳа жамоаси аъзолари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайди ва ривожланиш сценарийларини баҳолаш ва ривожланишнинг дастлабки босқичларида гидродинамик моделдан фойдаланиш имконини беради.

Резервуардаги жараёнларни тушуниш активларни янада аниқроқ баҳолаш имконини беради, бу сизга дастлабки захираларни олдинги босқичда башорат қилиш, сув омборининг ҳаракатини башорат қилиш ва капитал ва операцион харажатларни баҳолаш имконини беради.

Риск ва ноаниқликни бошқариш

Замонавий конлар ўлчамлари кичикроқ ва мураккаб тузилмалар билан ажралиб туради, бу уларни бошқариш жараёнларини мураккаблаштиради.

Ноанъанавий сув омборларининг хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиш кийинроқ ва натижада олинган башоратлар камроқ ишончли. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилаётгани, захиралар тўғри ҳисобланаётганига қатъий ишонч талаб етилади. Маълумотлар ва параметрларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш янги маълумотлар пайдо бўлиши билан моделларни тезда янгилашга ёрдам беради, ривожланиш тарихини тўғри таҳлил қилиш учун ҳисоблаш сценарийларини бошқариш ва соҳанинг бутун ҳаёти давомида хавф ва ноаниқликларни таҳлил қилиш.

Билимларни бошқариш ва илғор тажрибалардан фойдаланиш

Петрел ёш мутахассисларга ўзларининг афзал кўрган иш жараёнларини тезроқ ўрганишларига ёрдам бериш учун соҳани ривожлантиришнинг ижобий тажрибасидан фойдаланмоқда. Ривожланишнинг турли сценарийларини тезда синаб кўриш қобилияти тобора мураккаблашиб бораётган соҳаларни ривожлантириш зарурати ва ёш мутахассислар тажрибасининг етишмаслиги ўртасидаги тафовутни бартараф этишга ёрдам беради.

## **2. Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш**

Зонд - 2001 йилдан бери ишлаб чиқилган рус дастурий таъминот тўплами. Дастлаб электр қидирув пакети сифатида режалаштирилган бўлиб, вақт ўтиши билан у сейсмометрия, тортишиш ва магнит қидирув дастурларини ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда Зонд қидирув геофизикасининг барча асосий йўналишларини бирлаштиради: сейсмик қидирув, геоелектрика, магнитометрия ва гравитациявий қидирув. Чуқур электромагнит товушларни талқин қилиш дастурлари мавжудлигига қарамай, модулларнинг аксарияти саёз ва ўрта чуқурликдаги геофизикага қаратилган. Шундай қилиб, Зонднинг асосий иловалари муҳандислик ва руда геофизикасидир. Дастурлар доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Бунга дала маълумотларини талқин қилиш жараёнида ишлаб чиқувчиларнинг бевосита иштироки, шунингдек, ишлаб чиқариш ташкилотлари вакиллари билан кўплаб маслаҳатлашувлар ёрдам беради. Айнан реал дала геофизикаси муаммоларини тушуниш ишлаб чиқувчиларга дастурий йечимлар самарадорлигини ошириш имконини беради. Зонд дастурларининг асосий фарқловчи хусусияти талқин қилишда априор геологик ва геофизик маълумотлардан фойдаланишга алоҳида еътибор беришдир. Муаллифлар геофизикада қора қути концепциясининг муҳолифлари бўлиб, геологик маълумотлардан максимал даражада фойдаланиш ва геофизик усулларни бирлаштириш имконини берувчи махсус алгоритмларни ишлаб чиқишади. Дастурларда муҳим рол дала материаллари сифатини назорат қилиш функциялари ва натижада олинган моделларга берилади. Олинган моделларнинг ишончилигини баҳолаш учун бир нечта алгоритмлар амалга оширилди, бу фойдаланувчига геологик ва геофизик нуқтаи назардан енг мақбул натижани танлаш имконини беради. Фойдаланувчилар учун қулай, интуитив интерфейс ва маълумотларни тақдим этишнинг кенг имкониятлари қўйилган геологик муаммоларни енг самарали

ҳал қилиш имконини беради. Барча Зонд дастурлари битта мафкурада қурилган ва бирлаштирилган интерфейсга ега, шунинг учун уни ўзлаштирганингиздан сўнг, бошқа дастурда осонгина ишлашингиз мумкин. Дастурлар бир-бирини "тушунади", бу битта дастурда турли усуллардан олинган маълумотлар билан ишлашга имкон беради ва маълумотларни шарҳлашга янада кенгроқ ёндашишга ёрдам беради. Дастур электр қидирувида ишлатиладиган ҳар қандай турдаги қурилмалар (икки, уч ва тўртта - электрод) ёки уларнинг комбинацияси билан ишлайди. Электродларнинг ҳар бири учун учта координатани ўрнатиш мумкин

#### **Назорат саволлари:**

1. Қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар маълумотлар бўйича литология ва стратиграфик махсус қайта ишлаш комплексларда табақалаш бўйича идрок харитангизни чизинг.
2. Геологик, гидрогеологик ва муҳандис геологик масалалар ечишда геофизик замонавий дастурий қайта ишлаш ва интерпретациялаш комплексларидан фойдаланиш кетма-кетлигини айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

